

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати бўлган жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил декабрь ойининг 15 кунини жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди, Тўрақўрғон тумани “Узумзор” МФЙ биносига, очик сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси О.Сиддиковнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Умаровнинг кўрсатилган раислигида, томонлардан Тўрақўрғон туман прокурори ёрдамчиси Б.Дадил судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] иштирокида,

[REDACTED] уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тарзидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган [REDACTED] оид 1-1607-2201/262-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан тузилган айблов далолатномасига кўра, судланувчи [REDACTED] 2022 йил 04 октябрь кунини соат 20:00 лар чамасида махалладоши [REDACTED] билан бирга спиртли ичимлик истемъол қилиб, муқаддам акаси [REDACTED] билан бўлиб ўтган ҳолат бўйича ўзаро гап тортишиб, жанжаллашиб, яшаш махалласидаги [REDACTED] кўчасида жойлашган дала майдонига олиб бориб, оёқ қўллари билан [REDACTED] танасининг турли қисмларига қўл ва оёқлари билан уриб-тепиб, баданига қасддан ўрта оғир тан жароҳати етказган.

Тўрақўрғон туманлараро СТЭБнинг 2022 йил 10 октябрь кунга 1872/1336-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра [REDACTED] баданида аниқланган тан жароҳатлари бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, бурун суягини ёпиқ синиб, ўнг кўз орбитасига ўтиб синиши, пешона соҳаси эзилган жароҳати, ОИ-кўз ковоклари контузияси, иккала кулоқ орти, юқори ва пастки лаб ички юзалари, чап елка, ўнг биллак соҳалари қонталаш кўринишида бўлиб, ўзи йиқилиб тушиб олишига хос эмаслиги, оғирлик даражасига кўра ўрта оғир тан жароҳати гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбонга ўз хоҳиши билан тушириб берди. Эҳкамни, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчига етказилган зарарларни қоплагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирор-бир тазйиксиз ярашув бўлгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўзига етказилган зарарларни қоплагани, кечирим сўрагани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчи [REDACTED] ва судланувчи [REDACTED] ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тўрақўрғон туман прокурори ёрдамчиси [REDACTED] жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи [REDACTED] айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қоплангани, жабрланувчи [REDACTED] ва судланувчи [REDACTED] ўз хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, [REDACTED] а нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

Ажрим қонуний кучга киргач [REDACTED] нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тарзидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилишни;

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган [REDACTED] дастлабки терговда ва судда ҳимоячи хизматидан воз кечиш жараёни тасвирга олинган 1 дона диск ва ёзма далиллар жиноят иши билан бирга сақлашни;

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585-586-
моддаларига асос қилиб суд

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

А Ж Р И М Қ И Л А Д И
[Redacted] нисбатан Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши
ярашилганлиги муносабати билан қарор қилинганлиги аниқланиб қўйилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач [Redacted] нисбатан қўлланилган
муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тарзидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор
қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган
[Redacted] дастлабки терговда ва судда ҳимоячи хизматидан воз кечиш
жараёни тасвирга олинган 1 дона диск ва ёзма далиллар жиноят иши билан
бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан,
судланувчи, жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан йигирма
сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши
мумкин.

Раислик қилувчи судья

О.Сиддиқов